







### Хайрлашув Концертлари

«Хайтарма» ансамбли Қрим мухтор республикасида жўнаб кетадиган бўлди. Ҳозир ансамбль республикада шайхларга бўйлаб хайрлашув концертларини берапти. Шу туркумдаги концертлардан бири Тошкентнинг Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтди. Концерт бошлангачи олдиндан Украина ва Ўзбекистоннинг Маданият вазирликларидан таклиф этилган меҳмонлар сўзга чиқиб ансамбль номига қўлаб илиқ сўзлар айтишди. Икки республика ўртасида маданий алоқалар бундан кейин ҳам узлуқсиз давом этсин, «Хайтарма» шу бордаги яна бир борғовчи восита бўлиб қолаётгани таъкидланди.

Концертга келганлар ансамбль аъзоларини ифтихор туйғуси билан кузатиб қолдилар. Чунки «Хайтарма» шу йиллар ичида қрим татарларининг миллий ўзига хос рақс ва қўшиқчилик санъатини сақлаб қолишга бўлган умидининг ягона юлдузи эди. Ансамбль раҳбарлари кучи билан Сабрие Эреджепова, Эдие Топчи, Селиме Челибиева, Мемет Абибуллаев, Эневер Шерфеденов сингари истеъодлар камол топти.

Энди Украина қараморига ўтган «Хайтарма» ансамбли бир неча хайрлашув концертларидан сўнг Евпаторийга кўчиб кетади.

Оқ йўл сенга, «Хайтарма»!

Ленур АСАНОВ.



Вазирлар маҳкамасининг қарорига кўра Ички ишлар вазирининг ҳузурига мол ва маҳсулотларни республикадан ташқарига таъиб кетганини назорат қилиш Давлат инспекцияси ташкил этилганга кўн бўлган йўқ. Аммо шу инспекция маълум ходимлари қисқа муддат ичда жумҳуриятдан четта олиб чиқиб кетилган 756734 сўмлик озиқ-овқат ва саноат молларини ушлаб қолди. Тожикистон билан чегарадаги

«Сарносие» постда кейинги йиғирма кун ичда 63266 сўмлик моллар орта қайтарилди. Бу хайри ва машаққатли ишда ички хизмат сержанти Қобил Исаевнинг ҳам ўз улуши бор.

СУРАТДА: 160 сўмлик болалар озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетаётган қондабузарни назорат қилишганда кейинги манзара.

И. ХУЖАЕВ (ЎзТАГ).

### ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН

Маҳаллий мутахассислар Устирт геофизика лабораториясининг қўдратли КамАЗ машиналарини эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга киришдилар. Ремонт устaxonалари негизда резина-техника қисмларини ямаш йўли билан тикладиган участка ташкил этилди.

Бургиллаш ишлари муҳандиси А. Варавен таъчил қисмларни тиклаш технологиясини ишлаб чиқди ва уни юриш этди. Энди геофизика лабораторияси йилга бир неча минг сўм пулни тежаб қолиши мумкин. Юқ машиналари ҳам яхши ишлайдиган бўлади.

ЎзТАГ мухбири.

### Жумга қироатлари



### ИЙМОН ВА ТОАТ

ТОАТ ҚИЛИШ УЧУН ИНСОННИНГ ИЛМ ВА ЭЪТИҚОДГА БЎЛГАН ЭЪТИҚИ

Оллоҳ таолога тоат қилиш, унинг буйруқларига бўйсуниб ислом эканлиги сизга маълум бўлди. Энди сизга бир неча ишларни билмай туриб, билими эътиқод даражасига етмай туриб, инсоннинг Оллоҳга тоат қилмаслиги, унинг қонунига бўйсунмаслиги ва унинг кўлидан бора олмаслигини баён қилиб бермоқчиман.

Бу борда аввало инсон Оллоҳ таолонинг борлигига шикоятдан ишонмоғи лозим. Эеро, у Оллоҳнинг борлигига ишонмас, қандай қилиб унга итоат қилади ва қонунига бўйсунди?

Шунингдек, инсон Оллоҳнинг сифатларини ҳам билиши лозим. Чунки у Оллоҳнинг ягона эканлигини билмас, қандай қилиб ундан бошқасига бошини эгшидан, маъда сўраб, қўлини чўзишдан ўзини тия олади! Оллоҳнинг ҳар бир нарсага қўриб, биллиб, эшитиб туришини билмас, қандай қилиб унга гуноҳ қилишдан, буйруғига қарши чиқишдан тийила олади!

Демак, модоликки инсон Оллоҳнинг сифатларини тўла, мукамал билма олмас экан, унинг фикри, амали, эътиқодининг Оллоҳнинг тўри йўлига мослаштири олмайдди. Бундан ташқари унинг илми «лўм-чўм бўлиб қолайди, дилининг ич-ичидан ўрин олмоғи лозим, токи унинг дили хато гумонлардан, ҳаёти эса илмига зид бўлган ишлардан тозаланин.

Шунингдек, инсон Оллоҳ рози бўладиган ҳаётини йўлини биллиши ҳамда Оллоҳга ағдадиган нарсаларини танбиб, уларни ўзига олиши, ақмайдиган нарсаларини ҳам танбиб, уларни ўзидан четлатиши лозим. Бунинг учун у Оллоҳнинг қонунидан хабардор бўлиши ҳамда унинг Оллоҳ тарафидан деб, парвардигорининг дийдорига ҳаётинда мана шу қонунга тўла бўйсунганимиздагина эриша оламиз, деб эътиқод қилиши шарт. Эеро, у ўзи билмайдиган қонунга қандай қилиб бўйсунди! Унинг қонунини биллиши эътиқод даражасига етмас экан ўзига тўғрилик ва ҳаққонийлик борасида ундан қилишмайдиган яна бир қонун ҳам бўлиши мумкин, деб ўйласа, қандай қилиб унга чин дийдан бўйсундида давом эта олади!

[Давоми, бош рўзноманинг 29 ноябрь, 13, 20 декабрь сонларида.]

### ҚАНДОЛАТ ЦЕХИ

Фарғонадаги Қирғули район савдо идорасининг 43-дўконига «Фаришта» деб номланган қандолат цехи ишга тушди. Бу ерда торт, печенье, пирог, патир каби тоғли маҳсулотлар тайёрланади.

Шу соҳанинг етакчи мутахассиси Умидхон Анапўлатовнинг сўзларига кўра, маҳсулот турлари ортомқда. Яқин вақт ичиде бу ерда ойига 50 минг сўмлик маҳсулот чиқариладиган бўлади.

### ХУШҲАБАРЛАР

САМАРҚАНД қишлоқ хўжалик илмгоҳи олимларининг тавсиясига биноан шу вилоят хўжаликчилари миктақа учун янги экин — чумизани жорий эта бошладилар. Қраснодар ўлкасидан келтирилган қўшсавар бу ўсимлик йилга уч марта дон ҳосили бериши мумкин, бунинг устига ҳосилдорлик жиҳатидан бедадан устун туради. Унинг даври 65—70 кунини ташкил этади, бу эса чумизани бугдой ўрнига олишдан сўнг ўрнига экиш ва қўшмача мўл озунда етиштириш имконини беради. Бақорда экин учун уруғлик чуқиза тайёрлаб қўйилган.

ИЗБОСҚАН районидаги 29-хунар-техника билим юрти негизда ижарачи фермерларни тайёрлаш ташкил этилди. Ҳозирги вақтда қишлоқда бундай мутахассисларга эътиби жуда катта. Умумий ўрта мактабларнинг 9-синфини битирган йигит ва қизлар махсус курсда шу касбни ўрганишлари мумкин: улар зарур инжинерия билмаларини, деҳқончилик ва чорвачилик илми асосларини ўрганадилар, энг яхши фермер хўжаликларининг тажрибаси билан танишадилар. 30 нафар бўлажак ижарачи фермерлар ҳунар-тежаника билим юртида янги касбини ўргана бошладилар.

ТОШКЕНТДАГИ ирригация ва қишлоқ ўржагини механизациялаш инжинерлари илмгоҳларини оқимлари шу вақтгача атроф муҳитини булагатган гравелит — қотишиб қолган шўғалдан фойдаланиши таклиф қилдилар. Улар турли конструкцияларни тайёрлаш чоғида гравелит асосида муштакан бетон тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бундай тўлдирувчи моддадан фойдаланиш анча қimmatга тушадиган бошқа қўшимчаларни истисно этишга имкон берди. Гравелит аралаштирилган бетон тез қотлади ва муштакан бўлади. Мутахассисларнинг ҳисобларинча ҳар кубметр бетон қоримаси тўрт сўм қийматдаги самара беради.

[ЎзТАГ.]

## Тил тақдири—эл тақдири Журналми ёки ойнома?

Жумҳурият Атамашунолик қўмитаси оммавий ахборот воситалари вакиллари билан маслаҳат, фикр олишув йиғинини ўтказди. Йиғилганлар эътиборига маъмурий-бошқарув ҳамда маъмурий-худудий бўлима-ларга оид атамаларнинг муқобил шакллари ҳавола этилди, улардан энг муносиб, халқ тилига сингириб кетган шаклини танлаб олиш юзасидан таклифу мулоҳазалар айтилди. Жумладан, совет — кенгаш, соқоз — уюшма, суверен — мустақил, автоном — мухтор, область — вилоят, комитет — қўмита, система — тизим, термин — атамалар адрес — манзил шаклида қўлланишнинг ҳамма яқдиллиги билан маълумланди. Бу ва шу каби қатор сўзлар алаҳқон адабий ва озғани тилимизга ўзлаштирилган.

Аммо оммавий-ахборот воситаларида қўлланиётган ҳамма янги ўзбекча атамалар мантиқан ўзини оқлайётгани йўқ. Масалан, ойда ёки икки ойда, ёхуд уч ойда бир марта чиқади-ган маълум йўналишлардаги йирик матбуот нашрларининг ҳаммаси журнал деб аталади. Энди айни сўз ўрнида баъзилар ойнома деб қўлламоқдаларки, бунинг яқдиллиги ўйлаб қўриш керак. Адрес сўзини манзилгоҳ деб ишлатиш кўришиб турган хатолик, чунки манзилнинг ўзида макон маъноси бор, унга яна ўрин-жой отини ясовчи — гоҳ қўшимчасини қўшиш тамоман ортқиқча ва саводсизлик белгиси. Институт маъносида олийгоҳ сўзини қўлаш ҳам мантиқсизликдир.

Пигилиш қатнашчиларининг айримлари аэропорт, газета, депутат, республика каби тилимизга чўқур сингириб кетган русча-байналмил атамаларни ҳам иккони борича тўлиғича ўзбекча муқобили билан алмаштириш керак, деган фикрни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Баъзилар эса тилимизга чўқур сингириб кетган бу каби сўзларни ўзбеки тилининг ўз бойлиги сифатида қўллавериш керак, деган мулоҳазани айтидилар ва фикрларини дунёдаги барча тилларнинг бошқа тиллар билан ўзаро алоқадорлиги мисолда исботладилар.

Таклиф ва мулоҳазаларнинг барчасида мантиқ, асос бор. Аммо тилининг қўлланиши, тараққиётини азал-абад халқ оmmasи ҳал қилиб келлади. Ҳар қандай сўз миллат тилига қонуний, табиий равишда ўзлашиб кетгандагина умрибоқий бўлади. Шунинг учун юқоридеги тилга олинган йиғин иштирокчилари баҳсли саволларни халқ мухоамасига ҳавола этиш керак, деган энг тўғри тўхтамаг келди.

Қадрли муштарийлар, сизнингча, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида қўлланилаётган: институт, илмгоҳ, олий илмгоҳ; район, ноҳия, туман; рўзнома, ҳафтанома, газета; герб, нишон; нақша, топширма; депутат, ноаб каби сўзлардан қай бирини ишлатган маъқул? (Айрим русча-байналмил сўзларни газета, журнал — журнол қабилида ўзбек тилининг талаффуз қондаларига бўйсундириб қабул қилиш ҳақида таклифлар ҳам айтилди).

Ленин округ — мавзе ёки ўрам, район — ноҳия, туман, посёлок — қўрғон, шаҳарча; массив — даҳа; қабул қилинса, бу янги сўзлар аниқ маънони ифода қила оладими, йўқми — шу бордаги баҳсларга ҳам халқнинг билимдон кишиларнинг фикр-мулоҳазаларисиз нукта қўйиш мумкин эмаслиги эътироф этилди.

Юқоридеги таклиф, таъбирларга Сиз қандай қарайсиз? Сизнингча, қайси сўзларни ишлатиш мантиқан ва талаффуз жиҳатидан тўғри бўлади?

Жавобларингизни рўзномамиз таҳририятга ёки Тошкентдаги Мустақиллик майдонига жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қошидаги Атамашунолик қўмитасига ёзиб юборинг.

М. УЛУҒОВА.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП  
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-87, 33-07-48. Индекс: 64608.  
Буюртма № 6507. 118800 нускада чоп этилди.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 24.00. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12